


ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаровни қабул қилди.



Учрашув аввалида Ақилбек Жапаров давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг самимий саломини етказди.

Жорий йилнинг январь ойида Бишкек шаҳрида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон кенг кўламли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, савдо, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ҳудудлараро

алоқалар ва маданий-гуманитар алмашувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Автомобилсозликда, пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фойдали қазилмалар конларини биргаликда ўзлаштириш бўйича кооперация лойиҳаларини жадал суръатда амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда Қамбарота-1 ГЭСни биргаликда барпо этишнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. “Хитой —

Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли лойиҳасини фаол тайёрлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда парламентлар, ҳукуматлар, экспертлар, жамоатчилик ва ёшлар даражасида икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қўшма тadbирларни ўтказиш мўлжаллангани таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОИИБ БИЛАН КЕНГ КўЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ йўналишларини БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг ушбу нуфузли молиявий институт президенти Цзинь Лицзюнь бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Кўп қиррали шерикликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Банк билан муносабатларда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этди.

Ҳамкорлик портфели 2 миллиард долларга етди. Транспорт, энергетика, қишлоқ ҳужалиги ва коммунал соҳа, тadbиркорликни кўллаб-қувватлаш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь

Лицзюнь Янги Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислохотлар дастурини юқори баҳолади ва уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

Банк камбағалликка қарши курашиш, энг аввало, қишлоқ жойларда иш ўринларини яратиш, давлат-хусусий шериклик ва лойиҳаларни аралаш тарзда молиялаштириш механизмларини жорий қилиш, тadbиркорликни кўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва бошқа муҳим йўналишларда Ўзбекистон билан стра-

тегик шерикликни ривожлантиришга интилиши қайд этилди.

Марказий Осиё минтақасида стратегик муҳим инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кенг кўламли ҳамкорлик доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ва натижадорлигини таъминлашга қаратилган янги ўрта муддатли Шериклик дастури ва “Йул харитаси”ни ишлаб чиқиш юзасидан келишиб олинди.

ЎЗА

Хориждан муносабат:

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ



Ўзбекистонда кечаётган кенг кўламли ўзгаришлар, хусусан, конституциявий ислохотлар жараёни хорижий мамлакатларнинг сиёсий, эксперт доиралари ва етакчи оммавий ахборот воситалари диққат марказида турибди. Қизиқчи бўлиши табиий ҳол. Чунки Бош қонунга киритиш таклифи этилаётган янгиланишлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларни ҳамда давлат бошқарувида доир жуда муҳим ўзгаришларни ўз ичига олади.

Давоми 2-бетда

ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни, шунингдек, ушбу етакчи халқаро институтнинг мамлакатимиздаги ислохотлар дастурини илгари суришдаги фаол иштирокини кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Анна Бьердени яқинда янги лавозимга тайинлангани билан самимий қутлади ва масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Амалий ҳамкорликнинг юқори суръати ва натижадорлиги катта мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда қўшма лойиҳалар портфели сезиларли даражада кенгайиб, 10 миллиард доллардан ошди. Бунда, 2017 йилдан кейинги даврдаги молиялаштириш ҳажмининг ярми охириги бир неча йилда ажратилган. Бугун Ўзбекистон Банкининг энг йирик бенефициарларидан бирига айланди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларига асосланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Шериклик дастури қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Камбағалликка қарши курашиш, энергетика тармоғини трансформация қилиш ва

“яшил” иқтисодиётга ўтиш, хусусий-лаштиришни бошлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини кўллаб-қувватлаш ва бошқа кўплаб йўналишларда сезиларли натижаларга эришилди.

Вице-президент Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ортга қайтмас ислохотлар стратегиясини бундан буён ҳам кўллаб-қувватлашга интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Банк камбағалликка қарши курашиш, тadbиркорлик лойиҳаларини ривожлантириш ва молиялаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш, қишлоқ инфратузилмаси ва ўрта шахарларни модернизация қилиш, хотин-қизлар бандлиги ва ёшларнинг касбий таълими, 2030 йилга қадар соғлиқни сақлаш стратегиясини амалга ошириш бўйича кенг кўламли режаларга фаол кўмаклашиш ниятида.

Иқтисодиётни карбонсизлаштириш ва муқобил энергетикани ривожлантириш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва узатиш соҳасида мастер-режалар, энергетик самарадорликни ошириш дастури, фавқулодда вазиятларда энерготизимнинг барқарор ишлаш режимини ишлаб чиқиш, гидроэнергетика лойиҳаларига экспертлар кўмагини ва молия-

лаштиришни жалб қилиш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришлари ва тараққиёти бўйича мамлакат ҳисоботини муҳокама қилишга бағишланган қўшма тadbирнинг яқунлари юксак баҳоланди.

Бюджетни кўллаб-қувватлаш, ер ислохоти, қишлоқ ва сув ҳўжалигини молиялаштириш самарадорлигини ошириш ҳамда давлат банклари ва корхоналарини хусусийлаштириш дастурини жадаллаштириш борасидаги амалий ишларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислохотлар ва устувор лойиҳаларни илгари суриш учун Жаҳон банкининг “Мамлакат платформаси” имкониятларидан кенг фойдаланилиши таъкидланди.

Банк Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган стратегик минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиши муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Устувор лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни тезлаштириш юзасидан қўшма “Йул харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ТАФАККУР ЭПОПЕЯСИ

XXI асрга келиб, оламу одамни янгича англаш эҳтиёжи юзага келди. Бунинг моҳияти глобал ҳодисалар, жумладан, геосиёсий вазиятнинг кескин ўзгаргани, аввал қузатилмаган экологик муаммолар пайдо бўлаётгани, давлатлараро муносабатларда ўзаро ишонсизлик руҳи бўй кўрсатаётгани каби ижтимоий-сиёсий буҳронлар билан изоҳланади.



Ана шундай таҳликали бир даврда давлатлар, сиёсий етакчилар олдида жуда катта вазифалар турибди. Бу — миллий хавфсизликни сақлаш, чегаралар дахлсизлиги, тинч-осойишта, фаровон ҳаётни таъминлаш. Агар минтақавий ёки давлатлараро зиддиятлар тобора кескин тус олаётганига эътибор берсак, тинчлик қадр қанчалик азиз экани, хотиржам яшашнинг ўзи жуда қийинлашиб бораётганини тушуниб етамиз.

“Тинчлик”, “қадр”, “хотиржамлик”, “шукроналик” сўзларининг маъноси ҳар биримизга яхши таниш. Бугун уларнинг ҳаётий мазмунини янада теранроқ англаш вақти келди, назаримизда. Буни англаш учун яқин ўтмишимиз ва унинг сабоқлари кифоя. Зеро, ҳаётда инсон шукрона келтириши учун ўтмиш ва бугун таққослари жуда зарурдир.

Давоми 3-бетда



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Жалолiddин АЗИМОВ, академик



Бугун жаҳон миқёсида антропоген омиллар кучайишининг атроф-муҳит биоиндикаторлари — ҳайвонот оламига таъсири тобора ортимоқда.

Кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Фанлар академияси Зоология институти катта илмий мактаб вазифасини ўтаяпти.

давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат мувоzanати буйича фарқнинг усаётгани, иқлим ўзгаришлари қатор салбий омилларни келтириб чиқаряпти.



Кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Фанлар академияси Зоология институти катта илмий мактаб вазифасини ўтаяпти.

ҳайвонларнинг ривожланишидан қилиши, махсусдорлиги пасайиши, нобуд бўлиши, озиқ-овқат сифати бузилиши каби ҳолатларда кузатилади.

ЭПИЗООТИК БАРҚАРОРЛИК НЕГА МУҲИМ?

ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ КАТТА ИМКОНИАТЛАР КУТЯПТИ

этилган институт дастлаб юртимизнинг ёввойи ҳайвонот оламини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган.

кетди. Натижада Еркинбарё, Шахаман даладаридан то Мўйноққача чўзилган ҳудудда илгари уюр-уюр йилқиси, подода қорамол, сурув-сурув кўй, Даутқўлдаги маржон багликлари билан машҳур бўлган туман 2004 йили туғатилди.

ҳайвонлар организми паразитар касалликларни юзасига келтириши ўрганилган. Айнани пайтда шистосомоз касаллиги дунёнинг 72 давлатида учрайди.



Президентимизнинг 2017 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан алоҳида илмий-тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этилди.

навбатиди, қишлоқ хўжалигида чорвачиликнинг барча соҳаси бўйича махсусдорлигини ошириш, экологик тоза маҳсулотлар олиш, ҳайвонларни паразитар касалликлардан ҳимоя қилиш, эпизоотик барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Чорва ҳайвонлари касалликлари чет давлатларда ҳам учраётгани боис, бундай мақолаларга қизиқиш ва талаб катта бўлмоқда. Қолаверса, ишланмаларимиздан кенг фойдаланган ҳолда юқори натижаларга эришиляпти.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Тиббиётдаги ислохотлар Навоий вилоятда ҳам бўй кўрсатиб, бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ

НАФАҚАТ ВИЛОЯТ, БАЛКИ ТУМАН ШИФОХОНАЛАРИДА ҲАМ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ҳозир вилоятда 295 тиббиёт муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 2 323 шифокор, 13 минг 235 ўрта тиббиёт ходими фаолият юритади.

Шундай юқори технологик амалиётни муваффақиятли бажарди. Марказнинг моддий-техник базаси бугунги кун талаби даражасида.

— Жорий йилда ҳам вилоятимизда 600 дан зиёд беморда юқори технологик мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказишни режалаштирдик.



Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мисолида оладиган бўлсак, муассасада болаларга кўрсатилган тиббий хизмат сифати эътиборга молик.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шундай юқори технологик амалиётни муваффақиятли бажарди.

Вилоятда 110 бемор сурункали бўйрак етишмовчилиги касаллиги билан оғриган ва доимий гемодиализ амалиётига муҳтож.

Давр шиддат билан ўзгарар экан, биз — илм-фан қишлоқларида тадқиқот ишларини мақсадли йўналтириш, ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш, соҳада олинган натижа ва ютуқларни ҳалқаро нуфузли журналларда chop этиш орқали бутун дунё олимларига етказиш талаб қилинмоқда.

2017 йилда юқори технологик амалиётга муҳтож ва мураккаб муаммоларни қайтариш учун махсус курсларни шулар жумласидан, — дейди вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори ўринбосари Омонкул Ражабов.

Хўш хабар бўлиши керакки, вилоятдаги 110 бемор сурункали бўйрак етишмовчилиги касаллиги билан оғриган ва доимий гемодиализ амалиётига муҳтож. Уларнинг ва дардан халос бўлишини янада йўлга бўйрак кўчириб ўтказиш амалиётидир.

Вилоятда тиббиёт соҳасидаги иккинчи ўзгаришлар эндокрин касалликларнинг эрта аниқлашда ҳам илҳами саҳна бераяпти.

Вилоятда тиббиёт соҳасидаги иккинчи ўзгаришлар эндокрин касалликларнинг эрта аниқлашда ҳам илҳами саҳна бераяпти.

Туманда биргина ўтган йилнинг ўзиде 2 оилавий полиплектика, 4 оилавий шифокорлик ва 15 маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилиши натижасида 38 минг 764 аҳолига янада сифатли хизмат кўрсатиш имкони яратилди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

